



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ХИТОЙДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 23-25 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ Пекин шаҳрида олий даражадаги музокаралар ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар бўлиб ўтади. Кун тартибидан Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенг қўламли амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалари ўрин олган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Хитой ҳудудларидан бирига ташриф буюриб, ушбу мамлакат етакчи компаниялари ва банк-молия институтлари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 6243-сон Фармони билан бошланган ер муносабатлари соҳасидаги ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. 2024 йил 1 мартдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очик электрон танлов ўрнига электрон онлайн аукцион савдолари жорий этилсин.

2. Белгилансинки:

а) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари электрон онлайн аукцион савдолари орқали ўттиз йилга ижарага берилди, бунда бошланғич нарх ер участкасининг норматив қиймати миқдоридан белгиланади;

б) ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш бўйича материалларни тайёрлаш, қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, очик электрон танлов учун белгиланган тартибда, электрон онлайн аукцион савдоларини ўтказиш эса, аукцион савдоларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибига мувофиқ амалга оширилади;

в) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари голибларига ер участкаси нархини уч йил муддатда ҳар ойда тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилди;

г) деҳқон хўжалиги, яқна тартибда богдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари голиби бўлган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” да рўйхатда турган фуқароларга ер участкаси нархини беш йил муддатга тенг улушларда фойсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилди;

д) электрон онлайн аукцион савдолари орқали ижара ҳуқуқини сотишдан тушган маблағлар ижара ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин оператор хизмат ҳақи чегирилган ҳолда куйидаги тартибда тақсимланади:

10 фойзи — Қишлоқ хўжалиги вазирилик тизимидаги ташкилотларга (2 фойзи — “Агросоаноатни рақамлаштириш маркази” МЧЖга, 3 фойзи — “Ўздаверлоиҳа” давлат илмий-лоиҳалаш институтига, 5 фойзи — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига);

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ярим баравари миқдоридан — ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳисобварағига;

қолган маблағлар — тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирилик Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари, Кадастр агентлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2024 йил 1 мартга қадар:

1-иловага мувофиқ 15 626,8 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилишини (аҳоли пунктларига яқин, сув таъминоти яхши, унумдорлиги юқори бўлган, майдон, қоида тариқасида, 5 гектардан юқори контурларни 1 гектаргача лотларга бўлган ҳолда);

очик электрон танловга чиқарилган ва голиб аниқланмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини 2024 йил 1 мартдан бошлаб автоматик тарзда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон – Хитой:

УЗОҚ АСРЛАРГА БОРИБ ТАҚАЛАДИГАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ЗАМОНАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОМИЛИ



БИЗ ВА ДУНЁ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 23-25 январь кунлари давлат ташрифи билан Хитойда бўлади. Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигининг замонавий боғи 1992 йил 2 январда, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида Хитой Халқ Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатган онлардан бошланди.

Давоми 2-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖОБИЙ НАТИЖАГА ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ТЕМИР ИНТИЗОМ БИЛАН ЭРИШИЛАДИ



Сўнгги йилларда замонавий бошқарув услублари амалиётга жорий этила бошланди. Давлат хизматчиларининг фаолияти ва ижро ҳолатини назорат қилиш шакллари такомиллаштирилиб, талабчанлик кучайтирилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони давлат идоралари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашга замин яратди.

Мазкур ҳужжат билан ижро интизомини қатъий йўлга қўйиш, қолаверса, яқин “Идоравий ҳужжат алмашинув ҳалқаси”ни ташкил қилиш бўйича давлат бошқаруви

органлари раҳбарлари шахсан эътибор қаратиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Қилинган муайян ишлар ва давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирлар мураккаб шароитларда давлат қурилишининг серқирра вазибаларини амалга ошириш, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни чуқурлаштиришни таъминлаш, мамлакатимизни жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

Давоми 3-бетда

Долзарб мавзу



БУ МАСАЛА ЭНДИ МАВСУМИЙ ЭМАС

Сувга бўлган муносабат ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб бўлиб бораверади

Одатда қиш фасли қишлоқ хўжалигида юмушлар бир оз камайд. Лекин тўхтаб қолмайди. Хусусан, ҳозир ер эгалари, деҳқонлар, кластерлар мутахассислари кузги экинларни парваришлаш борабарда, сув йўллари тўғрилиш, ариқ ва каналларни таъмирлаш билан банд. Чунки эртанги ҳосил айна кунлардаги ишларга боғлиқ. Мисол учун, Сирдарё вилоятида каналларни бетонлаш ишларига жиддий киришилган. Бунинг учун фермер ва кластерларнинг ишчи-хизматчилари, Куйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тизимидаги ходимлар ва зарур техникалар жалб этилган.

Давоми 4-бетда

Янгича ёндашувлар

ИНТЕГРАЦИЯ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА НИМА БЕРАДИ?

Ўтган йилнинг 20 декабрь куни Президентимиз раислигида тармоқ ва ҳудудларда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида жаҳон иқтисодиёти шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда ҳеч бир соҳани рақамли технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмалиги таъкидланган эди. Унда, шунингдек, давлатимиз раҳбари таълим, банк, молия, божхона, қишлоқ хўжалиги, геология, кадастр каби соҳаларни рақамли трансформация қилиш доирасида 100 та дастурий лойиҳа ишлаб чиқилгани ҳақида фикр юритар экан, вазирилик ва тармоқларни фақат рақамлаштириш орқали маҳсулот ҳамда хизматлар таннархини тушириш мумкинлигини айтганди. Шундан келиб чиқиб, Қишлоқ хўжалиги вазирилик тизимидаги 34 та платформа биттага интеграция қилинапти.

Давоми 4-бетда

Мулоҳаза

ДОРИ РЕКЛАМАСИ ВА КЎПАЯЁТГАН ДОРИХОНАЛАР

ЯХШИ МАҲСУЛОТ РЕКЛАМАГА МУҲТОЖ ЭМАС

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Германиядан бир танишим келган эди. Асли Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидан бўлган бу одам 15 йилдан буён Гамбургда яшайди. Уйда суҳбатлашиб ўтирдик, кейин телевизор кўрмоқчи бўлдик. “Ўзбек қўшиқларини соғинганман, мусиқали каналга қўйинг”, деди у. Мусиқали каналга ўтказдим. Концерт бўлаётган экан. Бир оздан сўнг реклама бошланди. Ўртада қўшиқ янгради-да, яна рекламага ўтилди. Энг қизиғи, уларнинг катта қисми дори рекламаси эди.

Меҳмоннинг ҳафсаласи пир бўлиб, бошқа каналга олишимни сўради. Айтганини қилиб, хусусий каналдан бирига ўтказдим. Бу ерда “Карсил” дориси реклама қилинаётган экан. Орқасидан “Reizitol” дориси рекламаси бошланди. Ўртада кичикроқ ахборот берилди. Кейин навбат “Септолете тотал” рекламасига келди. Бир-иккита бошқа мавзудаги рекламалардан сўнг экранда “NOLPAZA — ZARDASIZ KUNNI YORUG‘ TARAFIDA BO‘LING!” деган ёзув пайдо бўлди. Кўриниб турибди — “Nolpaza” дориси реклама қилинапти. Лекин “Zardasiz кунни ёруғ тарафидан

бўлинг”, деган ғализ жумлани кўриб, тўғриси, баттар ҳафсаламиз пир бўлди. Хуллас, телевиденининг давлат каналларида ҳам, хусусий каналларда ҳам рекламанинг каттагина қисми дори ва клиникаларга оид.

— Наҳотки, доридан бошқа реклама қиладиган нарсамиз қолмаган бўлса? — деди ҳамсуҳбатим астойдил ранжиб. — Кеча метрога тушгандим, вагонларда ҳам дори рекламаси кўп экан. Газета ва журналларда ҳам шундай бўлса керак?

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ
ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

4. 2024 йил 1 мартдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ижарачиларига ижарага берилган ер участкалари бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) рухсат берилсин. Бунда:

ижарага олувчи ер участкасидан камида уч йил давомида, ушбу банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда эса, камида беш йил давомида ўзи фойдаланган бўлиши шарт, ушбу муддат ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ҳисобланади;

юридик шахсларга электрон онлайн аукцион савдолари, очик электрон танлов ёки танлов ўтказмасдан давлат органларининг қарорлари билан тўғридан-тўғри ижарага берилган ер участкаларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб беш йилдан кейин йўл қўйилади;

ижарага берувчи очик электрон танлов натижасига кўра ижара муддатига тенг

тақсимланадиган қўшимча тўловларни ёки электрон онлайн аукцион савдолари натижаларига кўра бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган тўловларни бир йўла тўлаши шарт.

5. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2023 йил 13 декабрдаги “Республикамизда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, бу борада маҳаллий Кенгашлар томонидан назорат қилиш самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 3787—IV/ҚҚ-642—IV сонли қўйма қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2024 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган, ҳужжатдаги ва амалдаги майдони бир-бирдан фарқ қиладиган, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган, шу сабабларга кўра ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда амалда фойдаланиб келинаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини фойдаланиш самарадорлигини ўрганиб, ўз сессияларида ушбу ер участкалари бўйича: туман (шаҳар) ҳокими ва ердан фойдаланувчи ўртасида ер ижараси шартномасини

тузиш (ижара шартномасига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш) тўғрисида; ер участкасини захирага қайтариш чораларини кўриш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари 2024 йил 31 декабрга қадар ўз ҳудудларида ерга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган, лекин амалда фойдаланиб келинаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган барча ер участкалари бўйича ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки ерни захирага қайтариш чораларини кўрсин.

6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сугориладиган ерлар учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплаш бўйича тўловлар барча ҳолларда барча шахслардан тўлиқ ундирилиши белгилансин, бундан ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ҳоллар мустасно.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ гаровга қўювчининг ер участкасига бўлган ҳуқуқлар гарови билан таъминланган мажбурияти бажарилмаган тақдирда, ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда, ижара

ҳуқуқини ер ижараси шартномасининг қолган даврига электрон онлайн аукцион савдолари орқали реализация қилишга рухсат этилади. Бунда:

ер участкасига ижара ҳуқуқини электрон онлайн аукцион савдоларида чиқариш ваколатли органлар билан келишиш (хулоса олиш) талаб этилмайди;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, ижара ҳуқуқини электрон онлайн аукцион савдоларида реализация қилишдан тушган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

8. Агроекономика кластерларида ер участкаларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ижарага бериш тартиби бекор қилинсин. Бунда, агроекономика кластерлари ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали ёки йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши тақлифини танлаб олиш йўли билан ижарага олишлари мумкин.

9. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги икки ой муддатда йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши тақлифини танлаб олиш тартибини соддалашти-

риш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини, шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга ер участкаларини ажратиш тартибини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, ер участкаларини чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши тақлифини танлаб олиш йўли билан маҳаллий ва чет эллик инвесторларга тўғридан-тўғри ижарага беришда ушбу ер участкасига ижара ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланадиган миқдордаги маблағ ижарага олувчи томонидан Давлат бюджетига тўланиши назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2024 йил 18 январь

Ш. МИРЗИЁЕВ

БИЗ ВА ДУНЁ

Бошланиши 1-бетда

Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг тарихий илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади ва бугунги кунда самарали, ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Минтақаларни боғлаб турган, ўзаро ҳамкорлик ва маданий алмашинувга туртки бўлган Буюк ипак йўли бугунги кунда янги аҳамият касб этиб, ўз навбатида, мамлакатлар ва халқлар ўртасида иқтисодий, маданий ҳамда гуманитар кўприк бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитойнинг халқаро кун тартибидидаги долзарб масалалар, глобал хавфсизлик ва тараққиётни таъминлаш бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш. Хитой Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини, мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Икки давлат БМТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, “Марказий Осиё — Хитой” формати ва бошқа кўп томонлама халқаро тузилмалар доирасида ҳам яқин алоқаларни мустаҳкамлаган ҳолда умумий манфаатларни ҳимоя қилиб, бутун дунёда хавфсизлик ва тараққиётга эришишга ижобий ҳисса қўшмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Хитой ШХТҲни ташкил этишда фаол қатнашган, илгари сурилган ташаббус ва тақлифларни амалга оширишда икки томон ҳар доим бир-бирини қўллаб-қувватлаб келяпти.

Икки томонлама муносабатларнинг замонавий ривожланишида давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган ишончли ва яқин дўстона мулоқот муҳим роль ўйнамоқда.

Утган етти йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва ХХР Раиси Си Цзиньпин кўп томонлама саммитларда учради, икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро давлат, расмий ва амалий ташрифлари, қатор телефон мулоқотлари бўлиб ўтди.

ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2022 йил сентябрда Ўзбекистонга ташрифи, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил ва 2023 йил май ойларида Хитойга давлат ташрифлари икки томонлама муносабатлар ривожига кучли туртки бўлди.

Юқори даражадаги ўзаро алоқалар ҳам ҳамкорликнинг динамикаси ва барқарорлиги билан ажралмай турибди. Парламентлараро ҳамкорлик фаоллашди. 2017 йил май ойида Олий Мажлис ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ тузилди. Самарали парламентлараро мулоқот давом этмоқда, парламент делегацияларининг ўзаро ташрифлари алмашилляпти.

2019 йилда ҳукуматлараро алмашинув доирасида Бош вазир Абдулла Ариповнинг Хитойга ва ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцяннинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари амалга оширилди, 2021 йил июнь ойида ҳукумат раҳбарларининг онлайн учрашуви бўлиб ўтди. 2022 йил августда эса ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой Ҳукуматлараро қўмитасининг 6-мажлиси онлайн тарзда ташкил этилди.

2023 йил октябр ойида Бош вазир Абдулла Арипов XIX Осиё ўйинларининг ёпилиш маросимида иштирок этиш учун Хитойга ташриф буюрди ва ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Цян билан учрашди.

Ўзбекистон — Хитой:

УЗОҚ АСРЛАРГА БОРИБ ТАҚАЛАДИГАН
ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ЗАМОНАВИЙ
ҲАМКОРЛИКНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОМИЛИ

Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар механизми яратилган ва у муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ушбу форматда жами 17 давра учрашуви ўтказилди. “Марказий Осиё — Хитой” формати доирасида ҳам ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари ўртасида самарали мулоқот йўлга қўйилган.

2023 йил ноябрь ойида Пекинда икки давлат ТИВ раҳбарларининг биринчи стратегик мулоқоти бўлиб ўтди. Мазкур тадбир доирасида Гуанчжоу шаҳрида бизнес-форум ва Шанхайда икки давлат ишбилармон доира вакиллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Бугунги кунда Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик иқтисодий ва савдо шериги ҳисобланади. 2023 йилнинг январь-ноябрь ойларида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 12,2 миллиард долларни ташкил этиб, олдинги йилги кўрсаткичдан 34 фоизга ошди.

2011 йилдан буён ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой Ҳукуматлараро қўмитаси доирасида томонлар ривожланиш масалалари ва амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилиб келмоқда.

Қайд этиш керакки, Хитой Ўзбекистондаги энг йирик сармоядорлардан биридир. 2017-2022 йилларда Хитой сармояларининг ўзлаштирилган умумий

ҳажми салкам 11 миллиард долларга тенг бўлди. Тўғридан-тўғри Хитой сармоялари бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодийнинг кўплаб тармоқларида, жумладан, кимё саноати, нефть-газ сектори, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат ва бошқа соҳаларда фаолият юритмоқда. Республикамизда йирик сармоявий ва инфратузилма лойиҳаларини

ҳамкорликдир. Мазкур жабҳада Ўзбекистон томони Хитой Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ишлари вазирлиги билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. 2023 йил декабрь ойи охирида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Хитой Ҳукуматлараро қўмитаси доирасида Камбағалликни қисқартiriш масалалари бўйича қўйи қўмитанинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг апрель ойида Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Сирдарё саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжа-

етакчи компаниялари 250 нафар вакиллари иштирокида “Сирдарё — Хитой” бизнес-форуми бўлиб ўтди. Форум якунлари бўйича умумий қиймати 322 миллион долларлик 30 га яқин битимлар имзоланди.

Хитой — Ўзбекистон ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан яна бири транспорт-коммуникация соҳасидир. У Ўзбекистоннинг ўзини “денгизга чиқмайдиган мамлакат”дан “қуруқлик билан боғланган мамлакат”га айлантириш манфаатига, шунингдек, Хитойнинг “Бир макон — бир йўл” ташаббуси концепциясига тўлиқ жавоб беради.

1998 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон — Хитой” дўстлик жамияти ҳам ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга самарали ҳисса қўшаётди.

2022 йил 18 май куни Сиан шаҳрида “Марказий Осиё — Хитой” биринчи саммити доирасида “Марказий Осиё ва Хитой халқлари маданияти ва санъати йили”нинг расмий тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Жорий тадбир доирасида қатор маданий тадбирлар, концерт ва фестиваллар, кўргазмалар, гастроль алмашинуви ва ўзбек маданиятининг тақдимотлари уюштирилди.

2023 йил май ойида Пекиндаги “Beijing Opera House”да Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри оркестри жамоасининг концерти бўлиб ўтди. 2023 йил сентябрь ойида Ўзбекистон маданият вазири Озодбек Назарбеков Хитойнинг Гансу провинцияси Дуньхуан шаҳрида бўлиб ўтган “Ипак йўли” VI халқаро ЭХПО кўргазмасида қатнашди.

2023 йил сентябрь ойида Пекиндаги “Гугун” император саройи музейида “Археологик ҳамкорлик — Бир макон, бир йўл” кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон тарихий мероси “Олтин фонди”дан ўрин олган 18 та экспонат намойиш этилди.

Ўз навбатида, 2023 йил октябр ойида маданият ва туризм вазирининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Хитой маданияти кунлари бўлиб ўтди.

2023 йил 23 сентябрь — 8 октябрь кунлари Ханчжоу шаҳрида ўтказилган XIX Осиё ўйинларида Ўзбекистондан 380 нафардан зиёд атлет спортнинг 39 турида муваффақиятли иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон 22 олтин, 18 кумуш ва 31 бронза медалларни қўлга киритиб, 5-ўринни эгаллади.

Иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши Хитойда Ўзбекистонга, тарихи ва анъаналарига бўлган қизиқиш ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди. Хитойнинг инглиз тилида босиладиган нуфузли “Global Times” газетаси ёзганидек, 2023 йил Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари тарихида муҳим давр бўлди. Шу нуқтанга назардан, Президентимизнинг Хитойга бўлажак давлат ташрифи икки томонлама муносабатлардаги муваффақият ва ютуқларни мустаҳкамлайди, шунингдек, икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида самарали ҳамкорликнинг янги истиқболларини очишга хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистон ёшлари хитой тилини ўрганишга катта қизиқиш билдирипти, ўз навбатида, хитойликларнинг ҳам ўзбек тилини ўрганишга иштиқиқи балианд. Ушбу омиллар ўзаро билим алмашинуви ва маданий алоқаларни рағбатлантиради. Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида ташкил этилган Конфуций институтлари Хитой маданияти ва тилини ўрганишнинг асосий марказларига айланди, десак муболага бўлмайди.

амалга оширишда иштирок этаётган Хитой компаниялари сони муттасил ортиб бораётди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида 2125 корхона фаолият юртияпти. Хусусан, 2023

лиги, таълим ва тиббиёт соҳаларида “илгор инновациялар ҳудуди”га айланиши кераклигини таъкидлаган эди. Бу жараёнда саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббиёт соҳаларида мисли қўрилмаган ютуқларга



йилда Хитой капитали иштирокида 601 та янги корхона ташкил этилган.

Икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналишидан бири бу — камбағалликни қисқартiriш соҳасидаги ўзаро

эришган Хитойнинг катта тажрибасидан фойдаланиш тақлиф этилмоқда.

Шу муносабат билан 2023 йил июнь ойида Гулистон шаҳрида Хитойнинг “Хуавэй”, “ТиБиЭй”, “СиСиСеვენ” ва бошқа

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖОБИЙ НАТИЖАГА ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ТЕМИР ИНТИЗОМ БИЛАН ЭРИШИЛАДИ



Беҳзод МУСАЕВ, камбағалликни қисқартриш ва бандлик вазири

Бошланғич 1-бетда

Тизимда ижро интизоми самарасини ошириш учун киритилган ҳужжат лойиҳаларининг иккитасиди, молиявий-ҳуқуқий экспертизасини етарлича кучайтириш, бошқарув ҳамда маҳаллий ижро органларининг ташкилий назорат фаолияти шакллари, услубларини яхшилаш, қабул қилинаётган ҳужжатлар мазмуни ва аҳамиятини, аввало, мансабдор шахслар тўғрисидаги шунингдек, унинг кенг жамоатчиликка содда, қулай шаклда тарғиб қилиниши учун мавжуд комплекс чора-тадбирлар янада такомиллаштирилади.

Қолаверса, ортқича ҳужжатбозлик, қоғозбозлик барҳам бериш мақсадида рақамли мослашувчан миллий тизим йўлга қўйилиб, замон талабларига мос равишда кадрлар малакасини ошириш ва қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ҳамда мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш ишлари жадал давом эттирилмақда.

Тараққий этган, масалан, Жанубий Корея, Сингапур ёки Малайзия каби давлатлар таъриҳига қаралса, уларнинг иккитасиди юксалишига асосий сабаблардан бири, албатта, кадрлар сиёсати эканини кўришимиз мумкин.

Ҳар бир кадр давлатнинг нуфузини таъминлашга хизмат қилади. Кадр ислоҳотларини фақатгина паства етказувчи масъул эмас. Унга нимадир қўшиб, ечим таклиф этиб, еча олмаганини юқори турмуш органига тўғри тақдим қилиб бера оладиган шахсдир. Шунда у раҳбарият билан халқ ўртасида кўприк вазирафини тўлақонли бажарган бўлади.

Бугун дунё сиёсий сахнасида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар кишидан янгича ёндашув, теран ақл ва тафаккур талаб қилмоқда. Айниқса, у давлат вакили, халқ хизматчиси бўлса.

Давлат хизматидаги шахс — у хоҳ раҳбар бўлсин ёки ходим, ҳар бир жиҳатини яхши англаши, мазкур жараёнда сиёсий воқеликни тўғри ва ишончли баҳолаи олиши, замонавий билим ҳамда кўникмаларини яхши ўзлаштирган бўлиши зарур.

Давлатимиз раҳбари “Барча амалдорлар — халқ хизматкорлари. Буни ҳамма тушуниши керак. Тушунмаган инсон сиёсатимизга хиёнат қилган бўлади”, дея таъкидлаганди.

Унутмаслик лозимки, бугуннинг одамлари 20-30 йил аввалги кишилар эмас. Уларнинг талаб ва истаклари замонга ҳамоҳанг ривожланмоқда. Ушбу хулосани ҳар бир давлат хизматчиси яхши анлаган ҳолда аҳолини рози қилишга интилиши шарт.

Дарҳақиқат, “раҳбар яккахокимлиги”даги бюрократик бошқарув тизими энди эскирди. Бугунги давлат хизматчилари фақатгина бошқарувчи эмас, балки сиёсий уйғоқ, қобилиятли менежер бўлиши лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бугунги кун давлат хизматчиси чинакам маънода лидер бўлиши, ташкилотнинг эртасини олдиндан кўра билиши, креатив гоялар билан жамоани олдинга ундоши шарт. Бироқ айни пайтда етакчилик фақатгина натижа учун бўлмаслиги, балки ўша ташкилотда меҳнат қилаётган давлат хизматчисида ҳам, ташкилотнинг хизматидан фойдаланаётган халқда ҳам мамнуният ҳиссини уйғотиши даркор.

Унутмаслик лозимки, бугуннинг одамлари 20-30 йил аввалги кишилар эмас. Уларнинг талаб ва истаклари замонга ҳамоҳанг ривожланмоқда. Ушбу хулосани ҳар бир давлат хизматчиси яхши анлаган ҳолда аҳолини рози қилишга интилиши шарт.

Одамлар қачон миннатдор бўлади? Қачонки ислоҳотларда ўз иштироки борлигини ҳис қилса, ўзининг талаби қондирилса. Бунинг учун эса нима зарур? Албатта, шахсий масъулият ҳамда темир интизом.

Демак, ҳар бир кадрнинг иш услуби замон талабига мос равишда ўзгариши керак. Ўзгармаса, ишлай олмайди. Чунки бунга даставвал раҳбарият, сўнгра жамоатчилик ва яна ОАВ ҳам йўл қўймайди. Одамлар бугун натижа кўриши керак. Бор борада ёш кадрлардан умидимиз катта!

Айни шу мақсадда 2024 йил — “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинган ҳам бежиз эмас. Зеро, аҳолининг олтимси фоизидан ортигини ёшлар ташкил қилаётган мамлакатимизда олани янгича идрок этадиган, миллат гурури ҳамда ҳақ-ҳуқуқи учун курашаётган, ўз тақдирини халқи, Ватани тақдирини билан бир деб билладиган янги авлод шаклланимоқда. Улар аждодлар маънавий меросини ҳамда умумбашарий қадриятларни тенг ўзлаштирмақда. Маънавият кишининг муайян даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ҳамда рухий балоғати ва дунёқарашини инфодаловчи тушунчадир. Шу нуқтан назардан, ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, юртимизда миллий маданиятни янада раванқ топтириши йўлида барча бирдек масъул бўлиши шарт!

Шубҳасиз, ёшлари изиланиш ва интилишда бўлган мамлакат ўз олдига қўйган мақсадида, албатта, эришади. Бонси, ушбу интилиш бугун кечагидан, эрта бугунгидан-да оёқ бўлишига хизмат қилади.

Салоҳиятли мутахассис кадрлар Ўзбекистоннинг эртанги кунини, миллат келажагини белгилайди. Шу боис, замон талабларига жавоб берадиган юксак маданиятли, билимдон ёшларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилавиши, ўз навбатида, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш йўлида бел боғлаган янги Ўзбекистон учун жуда муҳимдир.

Ҳар йили мамлакатимиз аҳолиси ўртача 900 минг нафарга ортиб бораётгани ушбу масалаларга тизимли ва тезкор ечимлар топиши талаб этмоқда. Хусусан, ёшларга касб-хунара ўргатиш тизимини такомиллаш-



тириш, янги иш ўринлари яратиш долзарб масалага айланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи қайд этилган фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Йўл.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини самарали фойдаланишга қўйишга чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори Камбағалликни қисқартриш ва бандлик вазириликнинг кенгайтирилган йиғилишларида ўрганилиб, барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш юзасидан аниқ вазиғалар белгилаб олинди.

Самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш жараёнида ҳар бир ходим ўз имолидаги вазиғаларини виждонан, сифатли ҳамда масъулият билан бажариши муҳим аҳамият касб этади.

Вазирлик тизимида келиб тушаётган барча топшириқ ва мувожаатлар уларнинг ижросини етарлича таъминлаш, қоғозсиз иш этилишига қадар доимий назоратни таъминлаш тўлиқ электрон форматга ўтказилди.

Бунда вазирликнинг барча таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига электрон маълумотлар базаси билан ишлаш, қоғозсиз ҳужжат айланиши ҳамда ижро интизоми устидан назоратни таъминлаш имконини берувчи “edo.ijro.uz” электрон тизими ишга туширилди. Бугунги кунда вазирликнинг барча бўғинларида деярли 4 миң ходим ушбу тизимдан фойдаланиб келмоқда.

Утган йил давомда 400 дан ортқ буйруқ мазкур электрон ҳужжат айланиш модули орқали қабул қилинди. Очиқликни

таъминлаш мақсадида бу ҳужжатларнинг барчаси “Е-қатор” электрон тизими орқали жамоатчиликка эълон қилинди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг барвақт ижросини таъминлашнинг куйидаги босқичлардан иборат механизми жорий этилди:

- назорат режалари ишлаб чиқиш;
- ижрочиларнинг топшириқлар устида бир вақтнинг ўзида ишлашни мувофиқлаштириш;
- марказий аппарат ҳамда ҳудудий бўлинмаларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларини ижро этиш жараёнининг кунлик мониторингини амалга ошириш;
- бошқа давлат органлари билан маълумот ва ахборотлар тезкор алмасувини йўлга қўйиш.

Ишни тизимли ташкил қилиш ва доимий назорат юритиш ижобий самара бермоқда. 2023 йил давомда “ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида Президент ҳужжатларида назоратда бўлган 859 та, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг 293 та, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор, баён ва бошқа ҳужжатларидаги 2409 та топшириқ ижроси таъминланди.

Олий Мажлис палаталари, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида белгилаб берилган топшириқлар ижроси юзасидан 62 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгилаб тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Шунингдек, вазирликка келиб тушган топшириқлар ижросини самарали ва манзилли таъминлаш мақсадида 369 та чора-тадбир, назорат-режа, “Йўл харитаси”, вазирликнинг 100 дан ортқ буйруғи қабул қилинди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатлари билан ишлаш ижро интизомида устувор вазиға ҳисобланади.

Салоҳиятли мутахассис кадрлар Ўзбекистоннинг эртанги кунини, миллат келажагини белгилайди. Шу боис, замон талабларига жавоб берадиган юксак маданиятли, билимдон ёшларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилавиши, ўз навбатида, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш йўлида бел боғлаган янги Ўзбекистон учун жуда муҳимдир.

Мувожаатларни вазирликнинг ишонч телефонлари ҳамда веб-сайтидаги онлайн хизматлар кўрсатиш дастури орқали тўғридан-тўғри тушу қўйиб қабул қилиш жорий этилган.

Юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган 352 миң 973 та мувожаатнинг

174 миң 154 таси ижобий ҳал этилиб, 166 миңдан зиёдага тушунтиришлар берилди.

Мувожаатларнинг аксарияти ишга жойлаштирилиб, субсидия ва ишсизлик нафақаси олиш, хорижий давлатларда ишлаш ҳамда бошқа меҳнат муносабатлари билан боғлиқ.

Келиб тушган ҳар бир мувожаатда кўтарилаётган долзарб ва тизимли муаммолар масъул ижрочилар томонидан батафсил (заруратга қараб, жойига чиққан ҳолда) ўрганилиб, ёзма ёки электрон шаклда жавоб берилмоқда.

Тизимда жорий қилинган ижро интизоми ва мавжуд камчиликлар мунтазам танқидий таҳлил қилиб борилмоқда. Жумладан, ўтган 2023 йил давомда ижро интизомига рию этмаган 175 нафар масъул ходим интизомий мувожаатларга тортилди.

Тизимда ижро интизомига қатъий амал қилиш бўйича жорий йилда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди:

— қонунчилик ҳужжатларидаги 728 та топшириқнинг ижросини белгилаб назорат қилиш;

— ижро интизоми масалалари бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари талабларини кенг тарғиб қилиш мақсадида барча даражадаги таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари учун ўқув-семинар, тренинглр ташкил этиши;

— ҳар бир таркибий бўлинмада ижро интизомига масъул мутахассис белгилаш кабилар шулар жумласидан.

Бу борада ҳали олдимизда узилган вазиғалар саф тортиб турибди. Вазирликимизда ижро интизомининг муштаклаш шакллари ва методларини такомиллаштиришга доир саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш устувор вазиғамиз саналади.

Тизимдаги марказий бошқарув, ҳудудий бошқарма ҳамда барча бўлим раҳбарлари ва ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш, ташаббускорлик билан ишни ташкил қилишга эришиш иш унумдорлигига асос бўлиб хизмат қилади.

Халқимизни ҳаётининг рози қилиш, муносиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш, турмушини обод қилиш йўлида олдимизга қўйган мақсадидаги эришиш учун темир интизомга рию қилиш муҳим ўрин тутди.

Мазкур жаҳада ҳар бундан Президентимизнинг “Эришилган натижалар билан чекланми қолмаслик керак, барчамиз, эғаллаб турган лавозимларимиздан қатъи назар, мамлакатини янада изчил ривожлантиришни таъминлаш ҳақида ҳар доим уйлашимиз шарт. Янги Ўзбекистон келажаги учун яшаш ҳамда меҳнат қилиш — юксак масъулият ва шарафдир”, деган сўзларига қатъий амал қилишимиз зарур.

Инсон қадри учун



Ортада қолган 2023 йил юртимизда кенг қулоч ёйган яна бир эзгу ташаббус “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” мезонлари асосида амалга оширилган кенг бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари билан ҳам ёдда қолди.

Президентимиз топшириғи асосида юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Сурхондарё вилоятида ҳам оғир иқтисодий-ижтимоий аҳволдаги, “қизил” тоифадаги маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Айни жараён бирдамликни талаб қилди. Президент Администрацияси, Халқ қабулхоналари, вилоят ва туманлар сектор раҳбарлари, ҳудудий ҳокимликлар билан бирга олиб борилган ишлар натижасида

йиллар давомида йиғилиб қолган кўпглаб муаммоларга ечим топилди.

Хушчечка воҳа шимолида, Шўрчи тумани марказидан чеккароқда, Тожикистонга яқин оғир ҳудуд тоифасидаги, Боғи Эрам эса вилоят жануби Музработ тумани марказидан 35 километр масофада Туркманистонга яқин, инфратузилма билан боғлиқ муаммолари талайгина маҳалла эди.

Хушчечкадан — Боғи Эрамга яна кўпглаб маҳаллаларда йил давомида “Обод хона-

ХУШЧЕККАДА МАСЛАҲАТЛИ ТҲЙ ТАРҚАМАДИ

дон — обод кўча — обод маҳалла” мезонларини жорий этиш, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига қулайликлар яратиш ҳамда оғир ҳудуд тоифасидан чиқариш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилиди. Биргина Хушчечка маҳалласини ривожлантириш, оғир ҳудуддан чиқариш бўйича ҳам алоҳида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, унинг доирасида салмоқли ишлар қилинди.

Энг яхши сармоя таълимга — келажакка тикилган сармоя. Маҳалладаги 31-давлат мактабгача таълим ташкилоти, 57- ва 12-умумтаълим мактабларида жорий йилга таъмирлаш ишлари учун 1 миллиард 781 миллион сўм маблағ йўналтирилмоқда. Бешта ички кўчада электр энергияси сифатини янада яхшилаш мақсадида 1 та трансформатор, 110 та бетон устун ўрнатилди. 148 хонадонга янгидан электр тармоғи тортилиши белгиланган. Хушчечкаликларни узоқ йиллар давомида тоза ичимлик суви муаммоси қийнаб келарди. Бу масала ҳам ўзининг ижобий ечимини топадиган бўлди. Шу кунларда 9 та кўчада 11,71 километр ичимлик суви тармоғи ётқизилиб, 210 метрда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида маҳалладаги 139

хонадон ичимлик суви тармоғига уланди. Туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан маҳалладаги 10 та ички кўчани таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Шу кунгача 6 километр йўл асфальтланди, 19,3 километрга шағал ётқизилди. Маҳалла бунёд бўлганидан берилб 2 километр масофада пиёдалар йўлагига ҳам барпо этилган.

Ҳар бир туманда биттадан энг оғир маҳалла танлаб олиниб, мезон асосида иш олиб бориш яхши ташаббус бўлди. Бу нафақат корхона ва ташкилотлар, балки хондиларнинг ҳам бирлигини, уношқоқлигини таъминлайди. Хушчечкада иш бошланганига кўп бўлмади, аммо тез кетяпти. Бугун маҳалла туздан ўзгариб, шаҳар марказларидек инфратузилмага эга бўлган жойга айланган. — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Бўрон Мингбоев.

Халқимизда “Маслаҳатли тўй тарқамас” деган пурмаёно ҳикмат бор. Хайрли ташаббус бўлган “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” мезонининг ҳаётимиздаги инфодаси ана шу ҳикматнинг ҳақиқат эканига бир исбот. Бир вақтнинг ўзида маҳалладаги хонадонларда аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, қурилиш меъёрлари ва

санитария-гигиена қондаларига рию этишга маслаҳат ҳамда кўмак бериш мақсадида қатор тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Шўрчи тумани хотин-қизлар бўлими томонидан ҳудуддаги аёллар муаммоларини ўрганиш бўйича сайёр қабуллар ташкил этилган. Бунда асосий эътибор хотин-қизлар муаммоларига ечим топишга қаратилмоқда.

Яна бир гап, аҳолида томорқадан фойдаланиш маданиятини шакллантириш мақсадида мутахассислар томонидан семинарлар ҳам ташкил этилмоқда. Маҳаллада ҳозир 543 та хонадоннинг шахсий томорқаси бор. Хатлов натижасида 110 хонадон томорқадан самарасиз фойдаланаётгани аниқланган. Иссиқхоналар тартибга келтирилиб, маҳаллий туپроқ-иқлим шароитига мос бодринг экилмоқда. Бу “бир маҳалла — бир маълумот” тамойилига ҳам тўла мос келади.

Бундан атиги 5 йил аввал ҳам Музработ тумани Сурхондарё вилоятининг чекка ва асосан, қишлоқ ҳўжалигига, пахта ва галла етиштиришга иختисослашган тумани эди. Бугун бу ҳудудда ўзгаришлар қўлами кенг. Тумандаги Боғи Эрам маҳалласида ҳам мазкур мезон асосида иш олиб борилмоқда. Маҳалла қўшни давлатга чегарадош, олис

ва чекка ҳудуд бўлгани боис, одамлар тиббий ёрдамга эҳтиёж сезганида кўпроқ туман тиббиёт бirlашмасига боришига тўғри келарди. Яқинда маҳаллада бепул тиббий кўрик ўтказилди. Унга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан 22 турдоғи иختисослик бўйича тиббиёт ходимлари жалб этилди.

— Аҳоли саломатлигини тиклаш ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган тиббий кўрикка Термиз шаҳридан келдик. Замонавий мобил клиникада Боғи эрамликлар учун замонавий кўчма тиббий ускуналар хизматида ҳам фойдаланилди. Бу тиббий ускуналар касалликларни эрта аниқлаш ва даволашда муҳим аҳамият касб этади. — дейди маммография лаборанти Урол Мамасиддиқов. — Касаллик қанча барвақт аниқланса, уни даволаш шу қадар осон ва самарали кечади. Бепул тиббий кўрик давомида ҳудуд аҳлига тор доирадаги шифокорлар томонидан сифатли тиббий хизмат кўрсатилди. Музработ туманининг чекка ҳудуди бўлган Боғи Эрам маҳалласида 238 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди. Аҳоли ўз саломатлиги бўйича шифокорлардан тиббий хулосалар олди.

Сурхондарёда “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” тамойили доирасида олиб борилаётган ишлардан англаш мумкинки, дастурлар қисқа муддатда ички имкониятлар ҳисобидан рўёбга чиқарилиб, чекка ва олис ҳудудлар ҳам обод ва гўзал манзилларга айланади.



Долзарб мавзу

БУ МАСАЛА ЭНДИ
МАВСУМИЙ ЭМАССУВГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ ҲАР ҚАЧОНГИДАН
МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ БЎЛИБ БОРАВЕРАДИДилшод УЛУГМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиш 1-бетда

Мутасаддилар таъкидлашчи, биринчи навбатда, ички сугориш тармоқлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, тупроқ ўзанли канал ва ариқлар масофасига аниқлиги киритиб олинган. Декабрь ойида кузатишга ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, 34 километр ички сугориш тармоқлари бетонлаштирилган бўлса, мазкур кўрсаткич жорий йил март ойи якунига қадар минг километр га етказилди. Шунингдек, эскирган 102 та сув узатиш ва етказиб бериш иншооти реконструкция қилинди. Ваҳоланки, виллоятда мавжуд магистрал ва хўжаликларо каналларнинг 37 фоизи, хўжалик ва ички сугориш тармоқларининг қарийб 62 фоизи бетонлаштирилмаган. Натijaда йилга ўртача 25-30 фоиз сув ҳеч қандай иқтисодий самарасиз исроф бўляпти. Юқоридаги ишлар эса виллоятда 9,2 миллион куб метр сув ресурсини иқтисод қилиш имконини беради.

Бухоро виллоятда эса 2024-2026 йилларда жами 218,8 километр узунликдаги ариқларни бетонлаштириш белгиланган бўлиб, шундан жорий йилда 70,4 километр узунликдаги канал ва сув йўллари бетонлаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки биргина Ромитан туманидаги ўрганишларда аён бўлишича, ҳудудда бетонланмаган ирригация тармоқларида йилга ўртача 148 миллион куб метр ёки 38 фоиз сув иқтисодий самарасиз исроф бўлмоқда. Шу боис, ҳозирда тумандаги ариқлар ўзанларини бетонлаштириш ишлари давом этмоқда. Аниқроғи, қишки мавсумда ички ариқ ва тупроқли сув йўлларида 115 километр қисмини бетонлаш талаби қўйилган.

Бу ишларнинг бари бугун мамлакатимизда сув сарфи, сугоришга ёндашуви тубдан ўзгариши даври талабига айланиши билдиради, — дейди сув хўжалиги вазири ўринбосари Рустам Қаршиев. — Эътибор қилинг, мамлакатимизда фойдаланиладиган сув ресурсларининг 80 фоиздан ортиги қўшни давлатлар — Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудидаги тоғлардан, қолган қисми эса ички манбалар ҳисобидан шаклланади. Глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида сув манбалари йил сайин камайиб бормоқда. Буларнинг таъсирида 2030 йилга бориб, юртимиздаги сув танқислиги 15 миллиард куб метрдан ортиши прогноз қилиняпти. Бугун юртимизда сув хўжалиги

соҳасида муҳим ислохотлар амалга оширилаётганининг боиси шу: тежамкорликни ошириб, тақчилликлар асратини юмшатиш.

Мана шу йўлда охири беш-олти йилда сув тежовчи технологияларни жорий қилишга давлат томонидан 10 дан ортиқ муҳим қарорлар қабул қилиниб, соҳага имтиёзлар, субсидиялар, преференциялар бериш тизими жорий этилди. Натijaда ўтган йили республикамиз бўйича 2 миллиард куб метр сув тежалди. Лекин бу оз. Чунки имкониятларимиз 8 миллиард куб метргача етади. 2 миллиард куб метрга биргина сув тежовчи технологияларни қўллаш эвазига эришилган. Умумий ҳисобда эса 2023 йилда 7 миллиард куб метр сув иқтисод қилинди. Ниманинг ҳисобига? Бунда каналлар реконструкция қилиниб, кам сув талаб қиладиган экинларни етиштириб, тармоқ рақамлаштиришга кўп қўл келди.

Айтиб ўтганимиздек, бу борада янада яхши натижаларга эришиш мумкин. Шу мақсадда бу йил сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ишлари янада кенгайтирилади. Яъни 2024 йилнинг ўзида 300 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни қўллаб, йиллик талаб қилинадиган сувни 8 миллиард куб метргача тежашни режалаштирганмиз.

Дарҳақиқат, бугун сув масаласи ўта долзарб, сув таъминоти ҳаммамни сергалантираётгани бор гап. Мавжуд имкониятларни ишга солиш эса муҳим вазифага айланмоқда. Буни Президентимиз қисқа вақт ичида ушбу масала бўйича икки йилги ўтказганидан ҳам англаш қийин эмас. Яъни ўтган йилнинг 29 ноябрда кенгайтирилган тарзда бўлиб ўтган йилгида 2024 йил сув хўжалигида долзарб йил бўлиши айтилди ва Сув хўжалиги вазири билан суҳбат қилиш



ҳамда ташкилотлар билан бирга фавқулодда иш юритиш тизими штаби ташкил этилди. Ушбу штаб вакиллари республикамизнинг энг чекка, сув таъминоти оғир ҳудудларига бориб, ҳалқ билан, фермерлар билан учрашиб, масалани ўрганишга киришди.

— Натijaда қўйи тизимда бир қатор камчиликлар борлиги маълум бўлди, — дея фикрини давом эттиради Р. Қаршиев. — Жумладан, ҳозирги кунгача Туман ирригация бўлими ва Махсус сув хизматлари фермерларнинг даласига сувни етказиб бериш билан шугулланарди. Улар бунинг учун ўртача ҳисобда бир куб метр сувга 10 сўм хизмат бадалли олиб келган. Бироқ шунинг ичида ҳам муаммолар юзга келмаётган. Бу жиҳат давлатимиз раҳбари томонидан 4 январда қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини оширишга қаратилган таклиф тақдимоти бағишланган йилгида танқид қилинди. Чунки йиллик хизмат кўрсатилган майдонларнинг бор-йўғи 34 фоиздан пул ундирилган, холос.

Шунинг ҳисобига қўшимча миқдорни, қўшимча сув хўжалиги мутахассисларини жалб қилиш имконияти жуда пасайиб кетган. Булар, табиийки, таъминотда ўзига хос муаммоларни юзга келтираётган. Бу йилдан ана шундай муаммоларга ечим топиб берилади. Яъни давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 январдаги “Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, туманларда сув етказиб бериш бўйича давлат муассасалари ташкил этилди. Бу янги тизим асосида жараёнга туман ирригация бўлимида фаолият юритаётган ҳодимлар билан бир қаторда қўшимча миқдорда ҳам жалб этилади. Молиявий ечимларга йўл очилди. Яъни 2024 йилда ҳар бир куб метр сув учун 100 сўм миқдорда солиқ белгиланди ва ушбу сумманинг 40 фоизи давлат муассасаларига ўтказилди. Ҳисоб-китобларга кўра, уларга тушадиган маблағ бир йилда қарийб 1 триллион сўми ташкил этади. Ушбу маблағнинг бир қисми ҳодимларга иш ҳақи сифатида берилса, қолгани тумандаги амалга ошириладиган ирригация-мелиорация тадбирларига йўналтирилади.



Янгича ёндашувлар



ИНТЕГРАЦИЯ

қишлоқ хўжалигига нима беради?

Бошланиш 1-бетда

Олиб борилган ўрганиш ва таҳлилларда вазирилик фаолияти ва унинг ҳузуридаги тизим ташкилотларини интеграциялаштириш орқали жуда кўп муаммоларга ечим топиш мумкинлиги аён бўлди. Бунда, аввало, вақт ва маблағ тежалди. Қолаверса, рақамлаштириш юқори меҳнат самардорлигига эришишда муҳим ўрин тутади.

Мисол учун, чорвачилик тармоғини олайлик. Унинг ривожига ҳар томонлама етарли ва витаминга бой озуқа захираси билан чамбарчас боғлиқ. Тан олиш керак, бедазорларнинг кескин қисқариб кетиши чорвачилик билан машғул фермер хўжаликларига озуқа

танқислигига, чорва бош сони камайишига олиб келди. Ваҳоланки, тизимда ушбу йўналишда вазириликнинг айримлари бир нечта ташкилотларда такорланади. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳузуридаги “Ўзбекчорванасл” агентлиги, вазириликнинг Ветеринария ва чорвачилик ҳамда Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш бошқармалари, вазирилик ҳузуридаги Агрисаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (Агроинспекция) фаолиятида худди шундай ҳолатлар мавжуд. Уларнинг тарқоқ ҳолда иш олиб бориши эса натижага таъсирини кўрсатаётган эди.

Шунингдек, бугунги кунда ветеринария ва чорвачилик тармоғининг илмий муассасалар билан ҳамкорлиги ҳам сусайиб

бораётгани сезилмоқда. Шу боис, интеграциялашув жараёнида бу ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ишлари сарҳисоб қилинганда, қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётганларнинг аксарияти илм-фан ютуқларидан фойдаланмаётгани аниқланди. Шу боис, мазкур йўналишда умумий тавсиялар ва чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, аҳолига ердан фойдаланиш тартиб-қоидаларини ўзда жамлаган рақамлаштирилган тизим яратилди.

Интеграциялашувда ипакчилик ва жун sanoatини ривожлантиришда ҳам камчиликларга ечим топиш ҳамда янги замонавий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутил-

моқда. Умуман, тизим ташкилотларининг интеграциясидан қўзланган асосий мақсад қишлоқ хўжалигида ягона давлат системани амалга ошириш ва соҳани илм-фан билан боғлаб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Шу мақсадда тизимдаги 10 та олий таълим ва 20 га яқин илмий-тадқиқот муассасалари вазирилик ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигидаги билим ва инновациялар миллий марказига жойлаштирилади. Ушбу дастур келгусида ривожлантирилиб, Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясини ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Энг муҳими, 2024 йилда қишлоқ хўжалигида йиллик ўсишни 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда таъминлаш, инвестицияларни жалб қилиш ва уларни ўзлаштиришни жадаллаштириш ҳамда белгиланган экспорт кўрсаткичларини бажаришга қаратилади. Хусусан, 2024 йилда 440 триллион сўмлик озиқ-овқат sanoati маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Пахтачиликда ҳосилдорликни 50 центнерга, галлчиликда 100 центнерга чиқариш бўйича илмий асосланган агротехнологиялар амалга оширилади. Биринчи навбатда, 26 та янги, эртагишар ва серҳосил гўза навлари майдони 170 минг гектарга, ингичка толали гўза навлари 65 минг гектар майдонга жойлаштирилади. 10 фоиз майдонга таъриба тарихида импорт қилинган пахта уруғлари навлари экилади. Алоҳида агротехника ва соддалаштирилган карантин талаблари жорий этилади ҳамда Пахтачилик кенгаши илмий кўрсатмаси асосида агротехник тадбирлар олиб борилади.

Шамшод ЭРГАСHEV,
Қишлоқ хўжалиги вазирилик
қотибати бошиғи

Галлчиликда биологик эскирган навлар ўрнига янги юқори ҳосилли, тегишар, интенсив типдаги навлар майдони 600 минг гектарга кенгайтирилади, 100 минг гектар ер лазерли текисланади, ёмғирлаштириш сугориш технологияси 200 минг гектарга етказилади. 23 минг гектар мевали боғ ва 101 минг гектар узумзор барпо этилади. 50 минг гектарда интенсификатив сабзавот етиштирилади.

Бу мақсадларни қишлоқ хўжалигини рақамлаштиришдан туриб амалга оширишнинг имкони йўқ. Шу жиҳатдан пахта

ни кун тартибига қўйди, уларнинг ижроси бўйича реал амалий механизмларни таклиф этди. Кейинги йилларда сув энг қимматбахо ресурсга айланиб, уни қадрлаш, тежаб фойдаланиш зарурати биринчи ўринга чиқётганини инобатга олсак, булар жуда ўрилли ташаббус ва топшириқларидир.

Президентимизнинг “Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар юксак натижадорликка қаратилгани билан алоҳида ақралиб туради. Хусусан, унга биоан, жорий йилдан вазириликнинг жамоаси зиммасига ҳам Сув хўжалиги вазирилик билан ҳамкорликда ҳар йили 25 мартага қадар вегетация даври учун ва 25 сентябрга қадар куз-қиш даври учун сув манбаларининг миқдори даражасидан келиб чиқиб, худудлар кесимида қишлоқ хўжалиги экинларини сугориш учун сув олиш лимитларини белгилаш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, эндиликда сугориладиган ерларда янги боғлар, узумзорлар ва бошқа кўп йиллик дарахторлар ҳамда энгил типдаги иссикхоналарни ташкил этишда хулосалар Қишлоқ хўжалиги вазирилик томонидан фақат сувни тежайдиган сугориш технологияларини жорий қилиш шарти билан берилади. Бу талабнинг ижроси эса Бош прокуратура ҳамда Агрисаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан қатъий назоратта олинади.

Умуман олганда, қарорда бу каби вазифалар кўп. Улардан қутулаётган натижалар катта. Бу йил Сув хўжалиги вазирилик тизимидagi ташкилотлар ҳисобидagi 1 минг 500 километр магистрал ва хўжаликларо каналлар, 2025 йилда эса камида 2 минг километр каналлар бетонлаштириш керак.

Яна бир гап. Ариқ ва каналларни бетонлаш жараёнида атроф-муҳит, дарахторларга зиён етказмаслик ҳам зарур. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун Сув хўжалиги вазирилик Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилик ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб бормоқда.

Вазирилик раҳбарияти томонидан жойларда ариқ ва каналларни бетонлаш жараёнида дарахторларга зарар етказмаслик, акс ҳолда, тегишли тартибда чора кўрилиши, нобуд бўладиган ҳар бир туپ дарахт учун 100 туздан кўчак ўтказишни ташкил этиш топшириғи берилган. Ушбу дарахторларнинг ривожланиши сув хўжалигининг барча ҳодимлари, кенг жамоатчилик, мутасадди вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда назорат қилиб борилади.

Қисқаси, бугун сувнинг қадрини ошириб бораётган экан, уни асраш бўйича қўриладиган ва қўриладиган чоралар долзарблигини йўқотмайди. Мақсад эса аниқ: қишлоқ хўжалигида сувдан самарали ва оқилона фойдаланиш, энг асосийси, бугун деярли барчанинг онгида ўрнашиб қолган “сув текин” деган тушунчани йўқотиш.

ҳомашёси ҳисоби “Агроплатформа” тизимида юритилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Товар-ҳомашё биржаси АЖ билан интеграциялашув таъминланади. Мева-сабзавотчиликни ортқили кредитлаш махсус платформа орқали йўлга қўйилди. Пахта-тўқимачилик кластерларининг 37 та кўрсаткичи рейтингини баҳолаш тизими (“Reagro”) такомиллаштирилди. Уруғчилик йўналишида уруғ таъминоти ва захираси, агротехнологиялари, жойлаштириш, сертификат олиш имкониятлари “Е-уруғ” электрон платформасида жорий этилади. Хорижий илгор компаниялар ёрдамида “Ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш”, шунингдек, “Ақли қишлоқ хўжалиги” ахборот тизимлари ишлаб чиқилди.

Рақамлаштиришга 12,6 миллион доллар инвестиция ва 1,3 миллион доллар миқдордаги грант маблағлари жалб этилади. Соҳадаги 20 дан ортиқ агрохизматлар Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жорий этилади. Ветеринария, карантин, агроинспекция йўналишларида 10 дан ортиқ ахборот тизимлари такомиллаштирилиб, фойдаланиш қўлайлиги оширилди.

“Рақамли қишлоқ хўжалиги” интеграцион платформасини ишга тушириш орқали рақамлаштирилган хизматлар ягона нуқтадан кўрсатилиши йўлга қўйилди. Бу пировардда вазирилик ҳузуридаги барча ташкилотлар бирлашиб, бир мақсад йўлида ҳаракат қилишига, яъни мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мулоҳаза

ДОРИ РЕКЛАМАСИ ВА КЎПАЯЁТГАН ДОРИХОНАЛАР



Беккул ЭГАМҚУЛОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бошланиши 1-бегда

— Йўқ, газета-журналларда дори рекламаси йўқ. Фармацевтика билан шуғулланганлар, асосан, кўп одам кўрадиган телеканаллар, аҳоли кўп йиғиладиган жойлар — метро ва бошқа транспорт воситаларига жойлаштирилади рекламаларини, — дедим.

Мақолаи ўқийётганлар "Пули бор экан, реклама қилади-да, сенга нима?" дейиши мумкин. Тўғри гап. Лекин ўтган йили юртимизда содир бўлган дорилар билан боғлиқ икки кўнгилсиз воқеа дори сотуви ва унинг рекламасига эътиборлик билан ёндашишни талаб этапти, назаримда. Бу икки ҳолат соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасидаги муаммоларимизни яққол кўрсатилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини маълумотига кўра, дори воситаларини назоратсиз кўллаш ва ўзини ўзи даволаш даражасининг ошиши айнан реклама билан боғлиқ. Бундай даволашни натижасиздаги ўлим ҳолатлари жароҳатлар, қон айланishi касалликлари, онкологик ва пульмонологик касалликлардан кейин бешинчи ўринда туради.

Бизда дори рекламаси тақиқланмаган. Аслида, яхши дори рекламага муҳтож ҳам эмас. Амалдаги "Реклама тўғрисида"ги қонунимизнинг 34-моддасида ва Рекламини жойлаштириш тўғрисидаги низомида дори воситалари рекламасига қўйилган бир қатор талаблар белгиланган.

Хусусан, фақат шифокорнинг кўрсатмаси (рецепти) бўйича бериладиган дори воситалари ҳамда таркибида гнетксидинли воситалари ва психотроп моддалари бўлган дориларни реклама қилиш тақиқланади. Шунингдек, рецепт билан бериладиган дори-дармон воситаларининг рекламаси фақат уларни тайинлаш ва тарқатиш ҳуқуқи бўлган мутахассислар томонидан фармацевтика соҳасига оид маълумот-ахборот марказлари ёрдамида, ихтисослашган махсус наشرларда, конференция, симпозиум, кўргазмаларда амалга оширилади. Бундан ташқари, алоҳида рецепт билан бериладиган дори воситаларини кўп учрайдиган буюмлар — соатлар, календарлар, соябонлар, брелоклар, кулдонлар, совгалар, канцелярия маҳсулотлари, идишлар, белгиларга жойлаштириш тавсия этилмайди.

Оммавий ахборот воситаларида фақат рецептсиз бериладиган дори-дармон воситаларини реклама қилиш мумкин. Шифокор рецептсиз бериладиган дори воситалари рекламаси тушунарли тилда баён қилиниши, дорининг тўлиқ номи, жумладан, халқаро фармакологик ва ишлаб чиқарувчисининг номи ҳамда дори воситасидан фойдаланиш ҳақидаги ахборот, уни қўллаш учун асосий кўрсатмалардан иборат бўлиши лозим.

жойларда тарқатилган рекламага, шунингдек, босма наشرларга жойлаштирилган рекламага нисбатан татбиқ этилмайди. Олимлар, тиббиёт ходимлари тавсияларидан, шунингдек, алоҳида шахслар миннатдорчилигиндан, тавсияларидан ва реклама қилинаётган дори воситаларининг таъсири ҳақидаги ҳикояларидан иборат бўлган тавсиялардан фойдаланиш мумкин эмас.

Бундан ташқари, айрим ҳолатларда дори-дармон воситалари рекламаларида "Энг яхши", "Ҳақиқий", "Фақат бизда", "Энг аниқ", "Юз фоиз кафолат", "Жаҳон андозаларига тўлиқ мос", "Ҳамма талабларга тўлиқ жавоб беради", "Жуда сифатли", "Самараси юз фоиз исботланган", "Юз фоиз натижа", "Акс таъсири йўқ", "Барча хавфсизлик чоралари кўрилган", "Ҳар жиҳатдан даво", "Дунёда етакчи", "Энг ишончли", "Энг охирги авлод препарати", "Ўхшаши йўқ", "Ориқини бутунлай унутасиз" каби таърифлардан фойдаланилади. Ваҳоланки, бундай жумлалар реклама қилинаётган маҳсулотни бўрттириб, рекламадан фойдаланувчиларни чалғитишчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама ҳисобланади ва ушбу таърифлардан фойдаланиш мумкин эмас.

Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, дори рекламасига кенг йўл очилгани дори бизнеси ривожига, дорихоналар кўпайишига олиб келяпти. Буюк Британияда ишлаётган ўзбекистонлик шифокорнинг фикрича, дорихоналарнинг кўпайишига сабаб бўлаётган омиллардан бири дорилар рекламаси. Чунки реклама маркетинг рабатлантиради. Натижада шу соҳага қизиқиш ортиб, дорихоналар кўпаяди.



кўп. Дорихоналар сони эса бор-йўғи тўрт баробарга яқин кўп. Демак, одам бошига ҳисобласак, бизниқига қараганда анча кам. Африка қитғасида Танзания деган мамлакат бор. Уша мамлакатнинг Дор ус-Салом шаҳрида қарийб 4 миллион 370 минг аҳоли истиқомат қилади. Лекин шундай катта шаҳардаги дорихоналар сони бор-йўғи 600 та. Энди ўзингиз бир ҳисоблаб кўринг, неча кишига битта дорихона тўғри келади? Энг дорихона кўп мамлакатлардан бири Бразилияда ҳам қар 2800 кишига битта дорихона тўғри келар экан.

Қизиқ, нега нолегал дори савдосига қарши курашиш учун фармацевтика савдоси билан шуғулланувчиларга эркинлик бериш йўли танланяпти? Нега тўғридан-тўғри нолегал дори савдоси билан курашилмайди? Бозорлар назоратга олинмади? Шуниси ачинарлики, бизда беморлар қайси дорини ичиш бўйича кўпинча шифокор билан эмас, дорихона сотувчилари билан маслаҳатлашади. Кўпалар дори воситаларини шифокор рецептига эҳтиётсиз равишда дорихонадан сотиб олиш мумкин ва бу дорилардан нотўғри фойдаланиш хавфини кучайтирмақда. Натижада 2008-2018 йилларда Ўзбекистонда дори воситалари билан ўзини ўзи даволаш натижасида соғлиғи

Энг ачинарлиси, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган айрим дорилар хориждан келтириляётганидан ҳам қиммат сотиляпти. Ўтган йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида "Адолат" СДП томонидан жойларда жамоатчилик назорати тартибида дорилар нархи ўрганилган. Ўрганишлар давомида аксарият дорихоналарда сотиляётган таркиби ва хусусияти жиҳатидан бир хил бўлган хорижий ва маҳаллий дори воситаларининг нархи ўртасида катта тафовут борлиғи ҳамда ўзимизнинг айрим маҳаллий маҳсулотлар чет давлатларникидан анча қимматлиги аниқланган.

ёмонлашгани билан боғлиқ 2300 ҳолат рўйхатга олинган. Ҳозир Ўзбекистонда дори бизнеси энг ривожланган тadbиркорлик турларидан бири. Қайси маҳаллага ёки кўчага кирманг, кўпалар дорихоналарга кўзингиз тушади. Шу ўринда яна бир савол пайдо бўлади. Хўш, бу яхшими ёки ёмон?

Бу саволга жавоб ҳам икки хил. Яхши дейдиганларнинг изоҳида, дорихоналар кўпайиши, рақобат бўлади, дори арзонлашади. Иккинчидан, янги иш ўринлари очилади. Дори ишлаб узоққа бориб юрмайсиз, овора бўлмайсиз, керакли дорини маҳаллангиздан, кўчангиздан топасиз.

Иккинчи фикр эгалари айтишича, дорихоналар кўпайиши, ҳар бир маҳаллада, кўчада бўлиши одамларнинг дорига ўрганиб қолишига олиб келяпти. Иккинчидан, мамлакатда соғлом одамлар камлиги белгиси. Учинчидан, дорихоналар одамларни соғлом ҳаёт тарзидан чалғитади.

Мутахассисларнинг фикрича, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа ривожланган давлатларда ҳар бир бемор учун алоҳида протокол тузилади ва ҳар бир дори протоколдан ўтиб, тасдиқлангандан сўнг тавсия этилади. Шу сабабли ҳам бу мамлакатларда шифокорлар фикри 90 фоиз бир-бирига яқин чиқади.

Буюк Британияда дориларнинг ноғўя таъсиридан оғохлантурувчи ташкилот бор. Бундан бемор ҳам, шифокор ҳам хабардор бўлади ва агар бу дори беморга ёмон таъсир қилса, у ташкилотга хабар бериш ҳуқуқига эга. Шунинг учун ҳам дорихоналарда эркин савдо йўқ. Шифокорларга эса фармацевтик босим ўтказилмайди.

Маълумотларга қараганда, 2023 йилда Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги марказига ҳуқуқни муҳофаза қилиш

органлари ва тиббиёт ташкилотлари ҳамда фуқаролардан дори воситалари ва тиббий буюмларни экспертиза қилиш юзасидан 1700 га яқин муурожаат келиб тушган. Лаборатория таҳлилари натижаларига кўра, 6304 турдаги 1 миллион 334 минг 598 ўрам дори воситаларини амалиётда қўллаш мумкин эмаслиги, 2288 турдаги 542 минг 709 ўрам дори воситаларининг мувофиқлик сертификати, 241 турдаги 11 минг 747 ўрам дори воситаларининг ёрликлаш кўрсаткичи йўқлиги, 152 турдаги 1278 ўрам дори воситаларининг ярқиллик муддати ўтгани, 68 турдаги 7029 ўрам дори воситаларининг қалбакилаштирилгани аниқланган.

Сал олдинроқ Андижон вилоятида қалбаки дорилар ишлаб чиқарилгани ҳақида хабарлар тарқалган. Ўтган йилнинг 24 март куни Бош прокуратура ҳузуридаги департамент матбуот хизмати қуйидаги хабарни эълон қилди:

"Департаментнинг Зангиота туман бўлими томонидан ДХХ ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда тезкор тadbир ўтказилган. Тadbирда фуқаро Н.М. ўзининг "Spark" автотранспорт воситасида тегишли ҳужжатлари бўлмаган умумий баҳоси 271,8 миллион сўмлик 9 турдаги жами 17 минг 904 дона дори воситасини Тошкент шаҳрига ўтказиш мақсадида олиб келтирилган аниқланиб, ашёвий далил сифатида мусодара қилинган"

Бундай мисолларни кўпалар келтириш мумкин. Кўштироқ ичидаги айрим тadbиркорлар учун халқ саломатлигиндан кўра чўнтакларининг қаппайиши афзалроқ. Афсус...

Юқоридагилардан маълум бўладики, қалбаки дорилар дорихоналарда бемалол сотиляпти. Албатта, бунинг учун дориларни ишлаб чиқариётган ёки келаятганлар жазоланади. Лекин уни дорихоналарда ҳеч қандай ҳужжатсиз қабул қилиб олаётган ва бемалол сотаятган дорихона-чи? Уларнинг жавобгарлиги қалбаки дори ишлаб чиқариётган ва олиб кираётганлардан кам бўлмаслиги керак?

Агар шунга эришсак, дорихоналар қалбаки ва сертификати йўқ дориларни қабул қилмайди. Натижада бундай дориларни

хорижникидан 10 баробар, "Албумин" дори воситаси 5 баробар қиммат сотиляётгани маълум бўлган.

Натижада партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти депутатлик сўрови юборган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 26 октябрдаги "Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан дорилар ва тиббий буюмларнинг чакана савдосида жамоатчилик назоратини жорий этиш, белгиланганидан қиммат бўлиб кетишига йўл қўймаслик зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланган. Жумладан, 2023 йил 1 майдан бошлаб:

— жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган дори воситалари учун дорихоналар томонидан тақдим этиладиган харид чекиннинг фискал белгиси матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали соғлиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказилганда дори воситалари нархлари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ахборот тизимидаги дори воситаларининг чакана референт нархлари билан автоматик тарзда солиштирилади;

— матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш натижасида дори воситаларининг чакана нархларига белгиланган устамлар ошириб қўйилгани аниқланган тақдирда, тегишли чора кўриш учун бу ҳақида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органига автоматик равишда хабар юборилади;

— харид чеки бўйича нарх дори воситасининг чакана референт нархидан ортқиб деб топилганда, ушбу маълумот асосида ўтказилган текшириш якунига кўра ҳуқуқбузардан белгиланган тартибда жарима ундирилади.

Бундан харид чекида сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тўлиқ миқдорда кўрсатилмаслиги савдо ёки хизмат кўрсатиш қондалари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш сифатида эътироф этилади.

Назаримда, мамлакатимизда ушбу қарорнинг юқоридидаги қисми бажарилшига унчалик эътибор берилмапти. Бўлмаса, бир хил номдаги дориларнинг нархида жуда катта тафовут бўлмас эди. Дорихоналарга кириб, дорилар баҳоси билан қизиқиб кўринг. Бир дорихонада 50 минг сўм турган дори унинг ёнидаги дорихонада 70-80 минг, бошқасида эса 100 минг сўм. Демак, қарорда вазифа топирилган ташкилот ўз ишига соғуноқлик билан қараяпти ёки умуман, бу ҳужжатни унутган.

Мақолаимиз бошида тилга олинган дори билан алоқадор икки салбий ҳолатдан сўнг "Юксалиш" ҳаракати бир неча тақлифлар билан чиқди. Шу тақлифлардан бири оммавий ахборот воситаларида дориларнинг бевосита рекламасига чекловлар жорий этиш. Хусусан, дори воситалари рекламасини фақат Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси рухсати билан амалга ошириш. Келгусида ОАВларда дориларнинг бевосита рекламасини тақиқлаш имкониятини кўриб чиқиш ва шу мақсадда Туркия, Швейцария, Канада каби мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш.

Шунингдек, дори воситалари реклама-сига оид қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш, бундай ҳолатлар оғир оқибатларга олиб келган тақдирда, жиноий жавобгарлик белгиланган, дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сертификатлаш ташкилотлари масъулиятини кучайтириш ниҳоятда муҳим. Бундан ташқари, фуқаролар замонвий тахшиш имкониятидан фойдаланишини, даволашнинг ягона стандартларига асосланган тиббий сугурта тизимига ўтишни тезлаштириш, фармацевтика соҳасида очилки ва шафдофликни таъминлаш зарур. Аҳоли қайси дори воситалари импорт қилинаётгани, ишлаб чиқарувчилар кимлиги, уларнинг хориждаги нуфузи, сертификатлаштириш жараёни қандай олиб борилаётганини билишига ҳақли, дейилади тақлифда.

"Юксалиш" ҳаракати бу тақлифлар билан парламент, маълум вазирилик ва идораларни тезкор чоралар қўришга, тиббиёт муассасалари ва фармацевтика соҳаси институтларини, аввало, тижорий эмас, балки ижтимоий манфаатларни устувор қўйишга чақирди.

Юртимизда дори рекламаси авж олаётгани, дорихоналар кўпайётгани ҳамма-миш кўриб, билиб турибмиз. Лекин бунинг ижобий ёки салбий томонлари таҳлил қилинмапти, мутахассислар ва масалага қўл ҳам муносабат билдиравермапти. Балки муаммони ўрганиш ва бир хулосага келиш вақти етгандир...

ҲАР БИР КЎЧАДА, ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА БОР

2022 йилда Ўзбекистонда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана реализацияси билан шуғулланганидан 15 минг 799 дорихона фаолият юритган. Бу ўртча салкам 2300 аҳолига битта дорихона тўғри келади, дегани.

Туркияда дорихоналар Eczane, Apotheke деб аталади. Лекин биздагидек кўп эмас. Улар кечаю кундуз ишламайди. Аксарияти 8:30 — 9:00 дан 18:00 — 19:00 гача очик туради. Яқинба, байрам кунлари дам олади. Туну кун ишлайдиган навбатчи дорихоналар жуда кам. Бундан ташқари, улар навбат билан ишлайди.



Маънавий тараққиёт

ИБОДАТ — ЯХШИЛИК ВА МЕХҲР-САХОВАТ АЖРИДИР



Жаллоиддин домла ҲАМРОҚУЛОВ, Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси ўринбосари

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим! Бугун юртимизда қарор топган эътиқод эркинлиги, мўмин-муслмон халқимизнинг эмин-эркин ибодат қилиши учун шароитлар яратиб берилгани, айниқса, ҳаж ва умра амалларини адо этиш учун кенг йўл очилганини алоҳида эътироф этиш лозим. Албатта, бундан аҳолимиз жуда мамнун, ибодат ва зиёратларда шукроналар келтириб, юрт раҳбарни ва Ватанимиз ҳаққига хайрли дуолар қилмоқда.

Ҳар бир мўмин-муслмон киши умри давомида бир марта бўлса-да, Каъбатуллоҳни таовф қилишни, Арафотда туришни, Сафо ва Марва тепалиқларида юришни орау этади. Зотан, ушбу амаллар инсон ҳаётини яхшиликлар сари тубдан ўзгартирадиган, бир сўз билан айтганда, жаннат мукофоти ваъда қилинган буюк ибодатдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида жуда кўп муҳим масалалар қаторида жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган муҳим тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

“Маълумки, кейинги йилларда ҳаж, умра зиёратлари кенг йўл очилди. Минглаб фуқаролар мана шундай кутулғи зиёратларга бориб келаётганига ҳаммамиз гувоҳимиз. Бу борада илгари ҳам айтган бир фикримни такрорламоқчиман: ҳажга, умрага бориб келган ҳар бир юртдошимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши керак. Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай бўлмаяпти. Зиёрат баҳона ўзини кўз-кўз қилиш, манманликка берилиш каби бизга ярашмайдиган хунук ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Булар албатта барчамизни ўйлантириши керак”, дея таъкидлади Президентимиз.

Афсуски, “Туруч курмаксиз бўлмайди”, деганларидек, юртимизда ҳали-ҳануз ҳаж ёки умрага бориб келган айрим кишилар хўжақўрсинга иш тутиб, ҳадидан ошаётгани, ақлга сиймай диган аллақандай ишларни ўйлаб топиб, уни оммага намойиш қилиш ҳолатлари учраб турибди.

Бу, ўз навбатида, одамлар орасида ушбу муборак ибодатларга нисбатан нотўғри тушунарлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Масалан, хонадонларда зиёфатлар уюштириш, совға-салом улашиш борасида ҳаддан ортиб кетилмоқда. Мана шундай пайтларда ҳам илмсизлик — жаҳолат панд бейратти. Фарзандлар ота-онани умра сафарига юборади ва уларнинг қайтишини шунчалар дабдабага айлантирадики, бу манманликдан ўзга нарса эмас.

Яна ҳожиларни қариндош-уруғ, қудалар томонидан меҳмонга қақришилар, уларга бош-оёқ сарполар қилиниши, оёқлари остига қўйлар сўйилиши, буларни видеотасвирига олиб, ижтимоий тармоқларда тарқатилиши — бу оқибати яхши бўлмаган иллатлардир.

Ҳаж ва умра зиёрати, ибодатлари насиб қилган инсон у ердан гуноҳлардан пок-лалиб қайтмоғи керак. Қайтган, савоб амалларини кўпайтириш, гуноҳ ишлардан тийилиш ҳаракатида бўлмоғи жоиз. Аммо бирга умра амалларини бажарган

айрим ҳожилар ҳар ойда зиёфатлар уюштиришни одат қилган. Албатта, бунда ҳам улар кимўзарга мусобақа қилмоқда. Ваҳоланки, муқаддас динимизда фақат хайрли ишлардагина мусобақалашиб буюрилган.

Боз устига, бундай дийдорлашувлар маънавий-маърифий мавзулардаги суҳбатлар-

вига, истагига, қўрқувига қарши танлаш ҳар бир муслмоннинг тамойили бўлиши керак. Шу маънода, барча ибодатлар, хусусан, ҳаж ва умра ҳолис Аллоҳ таоло учунгина қилиниши шарт. Одамлар кўриши, рие, сумба, ужб учун қилинган ибодат мўмин-муслмоннинг савоб олишига эмас,



дан анча йироқ бўлмоқда. Аслини олганда, бу каби исроф зиёфатлар ўрнига маҳалладаги, қариндош-уруғлар орасидаги камхарж, бемор, моддий кўмакка муҳтож оилаларга қўлдан келганча хайр-эҳсон қилмоқ савоб эмасми?! Булар кўнгилга гашлик, оғриқ соладиган ҳолатлардир.

Исло таълимотида мўмин-муслмонлар риедан қатъий қайтарилади. Чунки рие инсонлар орасида руҳий таъсир, шон-шухрат, моддий фойда учун қилинади. Дунёга оид бу каби моддий ва маънавий фойдаларни қўлга киритиш учун динга бўлган ҳурмат ва эътиборни сунистеъмом қилиш риенинг энг ёмон шаклидир.

Аллоҳга ва инсонларга қарши ўзини самимий тўтиб, риедан узок туриш, иложи бўлса, ибодатларни яширин қилиш, Аллоҳнинг розилигини инсонларнинг мақто-

аксинча, қаттиқ гуноҳкор бўлишига сабаб бўлади.

Маълумки, ҳаж ислом динининг беш асосий фарзларидан биридир. У — моливий ва жисмоний ибодат бўлиб, қодир бўлган мўмин-муслмон киши умрида бир марта адо этиши буюрилган. Луғатда “ҳаж” — “ҳурматли нарсанинг зиёратини қасд қилиш”, шариатимизда эса “белги-ланган жойларда, муайян вақтларда махсус амалларни бажариш”, дегандир.

Ҳажнинг муайян шартлари ҳам бор. Ушбу ибодатни бажаришни ниёт қилган кишининг балогатта етган бўлиши, ақли расо, соғлом, сафар ҳаражатларига қодир экани, ҳажга бориб келганига қадар ўз қарамоғидагиларини нафақа билан таъминлаб қўйиши шуллар жумласидандир. Шунингдек, сафар йўллари очик ва бехатар бўлиши ҳам шарт қилинади.

Куйидаги ояти каримада ҳажда киши ўзини қандай тутиши, қандай тайёргарлик кўриши кераклиги зикр қилинган: “Ҳаж (мавсуми учун) маълум ойлар (белги-ланган). Бас, ким шу ойларда ҳажни ўзига фарз қилса (ҳажни ниёт қилса), ҳаж давомида хотинига яқинлашиб, гуноҳ-маъсият ва жанжал (каби ишларга руҳсат) йўқ. Ҳар қандай яхши (савоби) иш қилсангиз, албатта, уни Аллоҳ билур. (Ҳаж сафарига) озуқа олиб чиқинг. Энг яхши озуқа тақводир. Тақвони Менга қилингиз (Мендан қўрқингиз), эй оқиллар!” (Бақара сураси, 197-оят).

Оятнинг мазмунига кўра, ҳажга борувчи киши тақво билан зийнатланиб, бажараётган амалларини чиройли адо этишга ҳаракат қилиши керак. Қолаверса, ҳажнинг санокли кунларини охираги учун захира бўладиган амаллар билан ўтказишга ошиқиши лозим.

Ҳажнинг ва умранинг ўзига хос машаққати ва сарф-ҳаражатлари бор, уларнинг мукофоти ҳам шунга яраша улуғдир. Бу ҳақда Расулulloҳ алайҳиссалом бундай дейдилар: “Бир умра билан (кейинги) умра — орадаги гуноҳларга каффоратдир. Мабуру ҳажнинг мукофоти — фақат жаннатдир”.

Ҳадиси шарифда мукофоти фақат жаннат бўладиган мабуру ҳаж ҳақида гап кетмоқда. Мабуру ибодат ҳолис ниёт билан, ҳалол топишган мол эвазига қилинади. “Ҳажки мабуру”га эришмоқчи бўлган киши сафарга кетишдан аввал Аллоҳ таоло олдидаги ва бандалардан олган қарзларини адо қилиши, ҳаж давомида эса унинг шартлари ва одобларига қатъий риоя этиши керак. Шунингдек, ҳаж даврида беҳаф сўзларни айтмай, фиску фасод ишларни қилмай юриш ҳам унинг шартларидандир.

Ибодати қабул кишилар бегуноҳ ҳолда уйига қайтади. Пайгамбаримиз алайҳиссаломдан шундай ривоят қилинади: “Ким Аллоҳ учун ҳаж қилса, фаҳи сўз айтмаса ва фиску фасод қилмаса, онасидан туғилгандек гуноҳлардан пок бўлган ҳолда қайтади” (Имом Бухорий ва Имом Аҳмад ривояти).

Мабуру буюк ибодатни бажариш ҳаммага ҳам насиб қилвермайдир. Шунинг учун бу улуг сафарни ниёт қилган юртдошларимиз ҳажнинг моҳиятини яхши тушуниб олиши, уни адо этиш тартибларини пухта ўзлаштириши, сафар одобларига қатъий риоя қилиши лозим. Зеро, муборак сафарда

ҳожиларимиз бутун халқимиз ва дийримизнинг юзи бўлади.

Ҳаж зиёратига отланган кишилар зиммаларидаги ҳажнинг фарз, вожиб ва суннат амалларини иложи борича жамоат билан, ўз вақтида адо этишга ғайрат қилиши — муборак динимиз кўрсатмаси ва шариатимиз талабидир. Кўпроқ Қуръон тиловати, нафл ибодатлар, зикр ва истиғфор айтиш, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак бериш каби савоби ишларни қилиши зарур.

Ҳаж ва умрага бориб келган киши одамларни яхшиликка қақриб, ёмонликдан қайтариши керак. Бу Аллоҳ таолонинг амридир: “Сизлардан яхшиликка давъат этадиган, амри маъруф ва наҳий мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар (охиратда) нажот топувчилардир” (Оли Имрон сураси, 104-оят).

Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида: “...Муҳтарам улаомларимиз, дин пешволарини инсон кадрини улуглаш, тинчлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларимизда фаол бўлишга, ўзларининг маънавий физалари билан бошқаларга ўрнак кўрсатишга қақираман”, дея ақли илмларга алоҳида ишонч билдирди.

Шундан келиб чиқиб, биз, ақли илмлар, дин пешволари Ватанимиз, миллатимиз ва динимизга ғайрат ва шижоат билан хизмат қилишимиз керак. Халқ ичига кириб, уларга янада яқин бўлиб, динимизнинг соф таълимоти тарғиботини кучайтиришимиз зарур.


Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, тибаррук жойларда гуноҳдан пок бўлиб, юртимизга қайтган вағандошларимиз ибратли фазилатлари, жамият ҳаётидаги фаол иштироки билан барчага намуна бўлиб, ўсба келаятига ёш авлодга янада яқинлашиб, маънавият, маърифатли, ота-онасига, юртга хизмат қиладиган содиқ ва солиҳ фарзандлар бўлишига ўз хиссасини қўйиши лозим.

Шу билан бирга, ёрдамга муҳтож кишилар, камбағал, мискин ва фақирлар ҳолидан хабардор бўлиб, уларга қувонч улашиш, дуоларини олишга ҳаракат қилиш қўллаб-қувватланган амаллардир.

Зеро, ҳаж ва умраларни адо этиб келган ҳожининг хайрли ишларда бардамон бўлиши унинг ибодатлари қабул бўлганини кўрсатади.

Муносабат

Тафаккурга хизмат қиладиган китоблар бозор учун бегона



Ҳабиб АБДИЕВ, Фафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи директори ўринбосари, бош муҳаррир

Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали берилаётган ўта кенг қўламли ахборот оқими фойдаланувчига салбий ёки ижобийлигидан қатъи назар, кучли таъсир ўтказа оладиган, турли мақсадни кўзлаган ахборот хуружлари сони ортиб бораётган даврда яшаймиз. Бу нафақат сиз, биз, балки умумбашариёт учун долзарб бўлган ҳаёт-мамат масаласи ҳамдир.

Шундай экан, алаоқибат миллатни йўқликка, онгсизликка етакловчи ушбу жараён ҳар биримиз учун оғоҳлик маёғи бўлиши керак. Бунда нигоҳини тийрак, ақлни зийрак ва тафаккурни кенг қилувчи ягона илинж китоб десак, асло муболага бўлмайди.

Президентимиз интернетта ёппасига муқкасидан кетган, китобдан узоқлашган ёшларни мутולהга қайтариш ташаббуси билан чиққанидан сўнг бу борада ижобий натижаларга эришилди. Жойларда замонавий китоб дўконлари (BOOK-CAFE)

очирилиши, шунингдек, “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила” каби танловлар ташкил этилиб, юқори савия ва кўтаринки руҳда ўтказилиши ҳамда жамоатчилик томонидан илқ қарши олиниши сўзимизнинг яққол исботидир.

Шундан сўнг ноширлик соҳаси бўйича ҳам бир қанча фармон ва қарорлар эълон қилинди. Ёшларнинг китобга қизиқиши кечагидан кўра ошди. Айтишга аризулик китобхонлик аудиторияси шаклланди.

Республика маънавият ва маърифат кенгашининг 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида давлатимиз раҳбарининг жамиятда китобхонлик маданиятини ошириш, мабуру йўналишдаги ишларни жадаллаштириш борасида илгари сурган ташаббуслари миллатни оғоҳликка ундаш, янги Ўзбекистон пойдеворини мустаҳкамлаш сари қўйилган яна бир одил қаддам бўлди.

Бугун ноширлик соҳасини янада равнақ топтириш учун нашриёт ва матбаа корхоналарининг молиявий имкониятлари кенгайтирилиши ва моддий-техник базаси мустаҳ-



камланиши, мавжуд корхоналар беш йилга солиқлардан озод қилиниши ва уларга имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланди. Бу эса нашр этиладиган матбаа маҳсулотлари таннархи ўртача 10 фоиз арзонлашишига, иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан 20 фоиз усунларини замонавийларига алмаштиришга имкон беради.

Энди ноширлик ва матбаачилик соҳасида катта ўзгаришлар бўлишига умид уйғонди. Янги технологиялар, сўнгги русумдаги ишлаб чиқариш машиналари келтирилиши

ҲАЖДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

